



Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ҳамминг
кўнглини олишга
эмас, ҳеч кимнинг
кўнглини бемаврид
ва бесабаб
қолдирмасликка
интилган маъқул.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 6-aprel, seshanba, 40 (23.476)-son

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан
ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ йиғирма саккизинчи сессияси **2021 йил 9 апрель куни соат 9:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

- Каттақўрғон шаҳрини 2020-2022 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари дастурининг ижроси юзасидан Каттақўрғон шаҳар ҳокими Г.Алимованинг ҳисоботи;

- вилоят бандлик бош бошқармаси бошлиғи И.Жабборовнинг "2021 йилда янги иш ўринлари яратиш прогноз кўрсаткичларини белгилаш бўйича ҳудудлар ва йўналишлар кесимида манзилли дастурни тасдиқлаш тўғрисида"ги ҳисоботи;

- Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини муштаҳамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-6155-сонли Фармон ижросини таъминлаш ҳақида"ги 150/22-VI сонли қарори билан тасдиқланган "Йўл харита"нинг ижроси (63-банди) юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Ф.Шайзаковнинг ҳисоботи;

- вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича биринчи ўринбосари – хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши раиси, вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси С.Жумаеванинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5020-сонли қарори юзасидан ҳисоботи;

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Вилоят ҳокими

Э. ТУРДИМОВ

2021 йил 2 апрель
№ 60 - Қ



«КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ»

бошланди

Шу муносабат билан кеча вилоят Пушкин номли ахборот-кутубхона марказида ҳафталик очилиш маросими ташкил этилди. Аҳоли ўртасида китоб мутолаасини тарғиб этиш ва китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида уюштирилган тадбирда "Ўқинг, янги китоблар!" кўргазмаси намойиш этилди.

Тадбир иштирокчилари ўртасида "Ўқинг энг яхши асарингиз" мавзусида сўровнома ўтказилди.

Ҳафталик доирасида Ўзбекистон Бадий академияси Камолитдин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра

музейи ҳамкорлигида "Санъат оламига саёҳат" кўчма кўргазмаси ташкил қилинди.

Ёшларни миниатюра санъатига қизиқтириш ва бу санъатни қайтадан ривожлантириш мақсадида ўз кўргазмаларимиз билан Самарқандда қатнашяпмиз, - деди миниатюрочи расом, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Камол Мирзаев. - Самарқанд миниатюраси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Буни тарихий обидалардаги такрорланмас асарларда кўришимиз мумкин.

Самарқандда "Китобхонлик ҳафталиги" 9 апрелгача давом этади. Унда "Энг яхши китобхон оила" танлови, "Севган кутубхонамга китоб тақдим этаман" акцияси, турли ижодий кечалар, илмий ва бадий адабиётлар тақдими бўлиб ўтади.

Янгича ёндашув, янгича иш услуби

2021 йил 2 апрель куни Президент Ш.Мирзиёев "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилди.

Қарорда қайд этилишича, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида қишлоқлар (маҳаллалар) рўйхати қуйидаги мезонлар асосида шакллантирилади:

- олис ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда жойлашганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари аҳоли томонидан йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари бўйича келиб тушган мурожаатлар сони;

- аҳоли ва тадбиркорларда ўзлари истиқомат қилаётган (жойлашган) қишлоқ (маҳалла) ҳудудини биргаликда ободонлаштириш юзасидан ташаббусларнинг мавжудлиги;

- "Туризм маҳалласи", "Туризм қишлоғи" ёки "Туризм овули" мақомига эгаллиги;

Дастурлар бўйича қишлоқларда (маҳаллаларда) амалга оширилаётган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ҳамда уларни молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағларни туман (шаҳар) ҳокимликлари маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан биргаликда тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларида ҳимоя қилади.

2021 йилда барча туман ва шаҳардаги жами 7 794 та қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20,8 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Дастурга кирган маҳалла ва қишлоқлардаги ижтимоий соҳа, ичимлик суви таъминоти, оқова сув тизими ҳамда йўл-транспорт инфратузилмаси объектлари учун ажратилган маблағлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазиirlар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимликлари ҳузурдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" жамғармалари орқали молиялаштирилади;

Электр энергияси, табиий газ ва телекоммуникация тармоқларини қуриш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш тегишинча "Худудий электр тармоқлари" АЖ, "Худудгазтаъминот" АЖ, телекоммуникация операторлари ва провайдерларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2021 йил 1 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексларини Қурилиш вазирлиги томонидан маъқулланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ барпо этиш, шунингдек, тегишли инфратузилма қуриш учун зарур ер участкалари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларига мувофиқ тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри (танлов савдоларини ўтказмасдан) шартномалар асосида ҳақ ундирилмасдан ажратилиши мумкин.

Хабар берганимиздек, 31 март – 3 апрель кунлари вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Комилов раҳбарлигидаги республика ишчи гуруҳи томонидан суд-ҳуқуқ масалалари юзасидан оммавий қабуллар ўтказилди.

Оммавий қабуллар самарали бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Президент Халқ қабулхоналари, Олий суд, Судьялар Олий Кенгаши, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитаси раҳбар ходимлари иштирокида вилоятнинг олти ҳудудида барча туман ва шаҳарлар қамраб олинган ҳолда ташкил этилган қабулларда 2 минг 232 нафар фуқаронинг 2 минг 234 та масалалар бўйича мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг 687 таси жойида ижобий ҳал этилган бўлса, 608 та мурожаат ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ҳал этилди. 896 та мурожаат эса ижро учун назоратга олинди.

Жумладан, жиноят ишлари бўйича 18 нафар фуқаронинг аризаси қабул қилинди, 206 фуқарога ҳуқуқий тушунтириш берилди. 145 нафар судланувчиларга нисбатан тайинланган жазо турлари Жиноят кодексининг 73-моддаси тартибида муддатидан олдин шартли равишда озод этилди. 24 нафар судланувчиларга нисбатан тайинланган жазо турлари Жиноят кодексининг 74-моддаси тартиби-

да енгилроғига алмаштирилди. 2 нафар судланувчиларга нисбатан озодликни чеклаш жазоси қўлланиб, суд залидан озод қилинди.

Ўғрилиқ жинояти содир этиб, беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилган У.Йўлдошева қилмишидан ҳулоса чиқариб, етказилган зарар қопланганлигини билдириб, тайинланган жазони енгилроғи билан алмаштиришни сўраб мурожаат қилди. Ушбу мурожаат сайёр суд мажлисида кўрилиб, апелляция шикоятчи қаноатлантирилди ҳамда маҳкумага тайинланган жазо қамқоқ билан боғлиқ бўлмаган жазога алмаштирилди.

Қабуллар чоғида 107 нафар фуқаронинг маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлари улар оғохлантирилган ҳолда тугатилди. Бундан ташқари, 115 нафар фуқарога алимент пуллари ундириб берилди. 63 кишининг пенсия таъминоти билан боғлиқ низолари ҳал этилди. 12 ҳолатда никоҳдан ажратилиш ҳақидаги даъволар бўйича тарафлар яраштирилди. 16 ҳолатда иш ҳақи ундириш ҳақидаги аризалар қаноатлантирилди.

Кейинги бир ҳафта-ўн кунда кузатилаган ёмғир, сел баъзи ҳудудларда сув тошқинлари ва айрим ноқулайликларни келтириб чиқарган бўлса-да дашт ва чўл ҳудудларидаги чорвадор-у деҳқонлар учун айна муддао бўлди. Жумладан, Пахтачининг Қарнаб ота қишлоғи чорвадорлари "ёмғир эмас, барака ёғди", деб бу йилги мавсумнинг баракали бўлишдан умидвор.

– Қўй-қўзиларимиз бугун яйловда озиқланяпти, бу йил ўт-ўлан яхши, – дейди "Қарнаб ота" МЧЖ раҳбари Анвар Рўзиев. – Кашарларимизда ўтган йил жамғарилган озуқа ҳам анча. Худо хоҳласа, бу йил ҳам хас-хашакдан қийналмаймиз. Ёгингарчилик бўлса, ўт ўсиб турса, чорванинг баракаси шу-да. Ўтган йил 1400 та қорақўл тери, 153 та қорақўлча тайёрлаганимиз. Бу йил кўрсаткичларимиз яна ҳам яхши бўлиши кутиляпти. Тўл мавсумини муваффақиятли якунлаямиз, 13 минг 300 га яқин қорақўл қўйимизни бу йил 20 мингдан оширамиз. Қўзиларни 80 фоиз ўстиришга қолдириш кўзда тутилган.



Жамият тасарруфида бугунги кунда 50 минг гектар яйлов, 31 та отар маввуд. Мазкур тармоқда ҳам сотишда бир қатор имкониятлар яратди. Жумладан, айна пайтда ҳўжаликда кластер билан биргаликда ем-хашак тайёрлаш, қорақўлча етиштириш корхонаси фаолияти йўлга қўйилмоқда. Яйловларни кенгайтириш, чорва озуқа базасини яхшилаш мақсадида кейинги икки йилда 30 гектар майдонда изен экилди. Яна 50 гектар ерда яйлов ўсимликлари парваришланмоқда.



Қарнабга барака ёғди

– Отамдан чўпон таёғини олганимга йигирма йилдан ошди, – дейди Ойбек Турдиев. – Худога шукр, кам бўлганим йўқ. Рўзгоримиз, орзу-ҳавасимиз шу иш ортидан. Ўтган йил, бу йил ҳам баҳор серёғин келиб, яйловларимизда ўт яхши бўлди. Отаримдаги 345 бош совлиқдан камида биттадан қўзи олиб, асосий қисmini ўстиришга қолдираёмиз.

И.НОРҚУВВАТОВ.

Мотрид кўчаси КЕНГАЙМОҚДА

Самарқанд шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жараёнида Даҳбет ва Мотрид кўчаларида ҳам 4 километрлик йўл инфратузилмаси янгиланмоқда.



Кўча кенгайтирилиб, аҳоли учун саломатлик ва велойўлақлар ташкил этилмоқда. Қурилиш-таъмирлаш ишлари пудратчи «New-tech-Samarkand» МЧЖ ишчи-хизматчилари томонидан олиб борилмоқда.

Мазкур кўчанинг кенглиги 18 метрдан 22 метрга етказилади, - дейди корхона участка бошлиғи Илаш Қаршибоев. - Йўлни иккига ажратиб турган 3 метрлик яшил майдончадаги дарахтлар бошқа жойга кўчирилиб, ўрнида темир тўсик ўрнатилади. Йўл четидаги ариқлар усти ёпилади. Лотокларнинг ҳар 12 метр жойидан эса ёмғир сувлари тушадиган тешиқлар қолдирилади ва хавфсизлик таъминланиб, усти маҳкамланади. Шунингдек, кўчанинг икки томонида 80 та тунги ёриткич ўрнатилади.

Корхонанинг 30 нафар ишчиси томонидан ҳозиргача вело ва пиёдалар йўлаги

учун 600 метр масофада жой тайёрланди. Қунига 200 метр йўлак жойи, 300 метр сувоқова учун қувурлар ташланмоқда.

Йўлсозлар шахримиз учун янгиланган лойиҳага қўл урган. Улар йўлга базальт металдан ясалган биопанжара тўшаб, устидан асфальт ётқизишни мўлжаллаган.

Йўлларга асфальт ётқизилгач, машиналарнинг оғир юк билан юравериши натижасида қайта таъмирлашга тўғри келарди, - дейди хусусий корхона устаси Хусан Рустамов. - Энди халқаро талаблар асосида амалга оширилаётган мазкур усул йўлнинг узоқ йиллар хизмат қилишига муҳим омил бўлади. Шунингдек, автомашиналар ва педальларнинг ҳаракати тартибга тушади, хавфсизлиги таъминланади.

Мазкур объектда "Худудга Самарқанд" газ таъминоти филиали ишчилари

табiiий газ, «Самарқанд сув таъминоти» МЧЖ ҳамда «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК вилоят бошқармасининг техник назоратчиси Уктам Нормуродов. - Натияжада тоза сувнинг эллик фоизи йўқотиларди. Янги ўрнатилаётган пўлат қувурлар 50 йилга мўлжалланган бўлиб, машиналарнинг ҳаракати натижасида юзага келадиган деформацияга дош беради.

Қувурлар замонавий лойиҳалар асосида 2,-2,5 метр чуқурликда ўрнатилади. Қувурлар 1,2 миллиард сўмлик лойиҳага кўра ўз ишларини муддатидан олдин яъни, жорий йилнинг учинчи чорағида якунига етказишни мақсад қилишган.

Объектда «Ўзбектелеком» акциядорлик жамиятининг Самарқанд шаҳар телекоммуникация боғланмасининг Ш.Алимов бошчилигидаги қувурчилар бригадаси ҳам меҳнат қилмоқда.

Алоқачилар Мотриддан Қорасув массивигача бўлган 3,5 километр масофага

миз автомашиналар қатновига халақит бермаслик учун кеча-кундуз икки навбатда ишламоқда.

Мазкур ичимлик суви тармоқлари ўтган асрининг 60-70 йилларида қурилган бўлиб, қувурлар бутунлай яроқсиз аҳволга келиб қолган эди, - дейди «Сув

оптик толали кабелъ тортиш ишларини бошлаган. Бир ой муддатда ўз ишини якунлашга кўзлаган қувурчилар томонидан ҳозиргача қарийб 1000 метр масофада жой қовланиб, алоқа кабеллари ётқизилди.

Дилмурод Тўхтаев. Хусан ЭЛТОВ олган суратлар.



миз автомашиналар қатновига халақит бермаслик учун кеча-кундуз икки навбатда ишламоқда.

Мазкур ичимлик суви тармоқлари ўтган асрининг 60-70 йилларида қурилган бўлиб, қувурлар бутунлай яроқсиз аҳволга келиб қолган эди, - дейди «Сув

оптик толали кабелъ тортиш ишларини бошлаган. Бир ой муддатда ўз ишини якунлашга кўзлаган қувурчилар томонидан ҳозиргача қарийб 1000 метр масофада жой қовланиб, алоқа кабеллари ётқизилди.

Дилмурод Тўхтаев. Хусан ЭЛТОВ олган суратлар.

Анча вақт олдин матбуотда бир воқеа ҳақида ўқигандим. Суд жараёнига оид бу хабарда хорижлик бир қиз ўзаро сўхбатда айтган гапидан онаси хафа бўлгани қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаб олиш учун ҳуқуқ идорасига қилган мурожаати ёзилганди. Албатта, биз учун бундай ҳодисанинг рўй бериши ғайритабiiий та- саввур уйғотади. Қиз онасини ундан хафа бўлган ё бўлмаганини аниқлаш учун судга берса-я?

Ўзгараётган қарашларимиз

Маънавият тушунчаси бир хил - эзгулик, лекин унга бўлган қарашлар турлича бўлишни тушунам-да, воқеликка баҳо бериб, айрим қарашларнинг замирида ёмонлик ётмаган бўлиши мумкинлигини аниқлаш ҳам адолат, деган фикр мени ўшанда мулоҳаза қилишга ундаганди.

Қиз билан сўхбатда она хафа бўлган. Ферзанди эса айтган гапидан онасининг хафа бўлиши адолатдан эмас, деб ҳисоблаётди. Бу ўринда ким ҳақ? Онанинг қизидан кўнгли қолган, тушунишни истама- япти. Қиз ўзини айбдор санамайди, лекин буни онасига исботлолмаяпти. Охири мажбур бўлиб, судга мурожаат қилган. Суд энди томонлар нима деганини ўргангани ва қарор қабул қилади - қиз ҳақ ёки она қизидан хафа бўлиши ўринли.

Келтирмакчи бўлганим - иккинчи ҳолат ҳам ўшанда менда ажабланиш туйғусини уйғотганди. Қалин бир ошнамнинг кекса онаси бетобла- ниб, ётиб қолди. Одат бўйича она кенжа фарзанди билан яшар, дўстим кунда-кунора онасини йўқлаш учун ота уйига борарди. Бир куни

у укасининг хотини етарли эътибор бермагани учун онасини уйига олиб келганини айтди. Лекин мен дўстимнинг хотини қандай фезъл-атворга эга эканини билганим учун хайрон бўлгандим - қайнонага меҳр билан қарайдиган келинга ўхшамасди у. Дўстим фикримни уққандек, у онаси- га қараш учун икки хизматчи аёлни ёллаганини, улар навбатма-навбат онасига қарашаётганини айтганди. Мени хайратлантиргани, дўстимнинг қариялар уйига нисбатан муносабати бўлди. Бизда кекса кишининг қария- лар уйда яхши шароитда яшашдан кўра, ўз уйда хор бўлиб ўлишни афзал кўрадиганлар бор, деганди у. Йиллар ўтиши билан юртдош-

«Мулоҳаза, мунозара»

юмушини йиғиштириб, қўшнидан қарз олиб бўлса-да, дўкондан у-бу харид қилиб, сени меҳмон қилиш пайига тушади. Одат шунақа. Аслида учрашув бундай бўлмаслиги керак, у икки томонга ҳам хузуурли, ҳаловат- ли бўлиши лозим.

Бизда кўпчиликнинг фикри билан иш қилишга ўрганишган. Бу билан шахсий фикр инбатга олинмайди, деган хаёлга бормаслик керак, албатта. Лекин шахсий фикрни эркин билдириш қўнчимаси ҳали яхши ривожланмаганини ҳам тан олмаслик мумкин эмас.

Мен ҳам айна айтадиган фикрим учун яхшигина дакки ейтишимни бил- ланман, лекин уни айтмасам барчани эркин фикрга чақириб истагимга қарши борган бўлман. Олдин айт- ганман ва яна қайтараман, бизни ривожлантирадиган асосий омил - тафаккуримиз, она қизидан нотўғри хафа бўлганини исботлаб берса ва бундан икки томон ҳам рози бўлса, кекса кишилар уйда фарзандлари билан яшайдими ёки қариялар уйига бориб, ҳамшира ва қаровчиси бўлган белгиланган ша- роитда, кўпчилик ҳамтенглари билан вақтини зериктирмай ўтказадими, бунга ўзи ҳал қилса ёки меҳмондор- чилик ўзаро келишув асосида амалга оширилса, бунинг нимаси ёмон.

Бу қадрияларимизга тўғри келмайди, демокчимсиз? Унда айтингни, кекса отаси уйда бўлиб, ўзи чет эллик қарияларга қараёт- ган эркакларимиз ёки ўз онаси улуг ўйда бўлиб, парваришга муҳтож бўлган бир вақтда қизининг хорижга бориб, ёт кампирларга қараётгани қайси қадриятга тўғри келади?

Унга баҳо беришда мен қизлар- нинг онасини беҳурмат қилишига қарши эканимни, меҳмондўстлик- ни ёқлашимни, кексалар ўз уйда яшашини истаганини ва тўшқадан туролмай қолган ота-онасини ўн йиллаб парвариш қилган фарзанд- лар борлигига гувоҳ бўлганимни эътиборга олишнинг заруриятини

Бу менинг шахсий фикрим. **Хурийд НУРУЛЛАЕВ.**



Суратда: поликлиника фаолиятдан лавҳа.

Бирни кессанг, ўнни эк!

Президентимизнинг 2021 йил 13 февралдаги фармони билан республикада давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига жорий этилган мораторийнинг амал қилиш муддати 2021 йил 31 декабргача узайтирилди. Яъни республика ҳудудидаги дарахтлар, буталар ва бошқа ўрмон ўсимликлари, ниҳоллар- ни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш мумкин эмас.

Ҳужжат билан ҳар бир кесилган дарахт ва бута учун компенсация тарзида қимматлиги жиҳатидан кесилмайдиган дарахт ва буталардан кам бўлмаган 10 туп йирик ўлчамли кўчат экиш ҳамда уларни камидан икки йил парвариш қилиш, ноқонуний кесил- ган дарахт ва бута учун эса, уч йил давомида парвариш шарти билан 100 туп кўчат экиш мажбурияти киритилмоқда.

ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА ДАРАХТЛАР ВА БУТАЛАРНИ КЕСИШ МУМКИН?

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 январдаги қарорига асо- сан дарахт ва буталарни санитар мақсадда, бино-иншоотлар, комму- нақиялар ва бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш, муҳандислик тадқиқот ишлари

тўсқинлик қилсагина «Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навлари рўйха- ти»га киритилмаган дарахтларни кесиш ушбу қарор билан тасдиқлан- ган низомида белгиланган тўловлар асосида руҳсат берилади.

Табiiий омиллар, зараркунданла- лар, касалланган ёки қуриб қолган, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик ва жиёмий шах- сларнинг мол-мулкига хавф туғдирувчи дарахтлар ва буталарнинг санитар кесилишига ҳам руҳсат берилади.

ТЎЛОВ ЭВАЗИГА ДАРАХТ КЕСИШ МУМКИНИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 февралдаги қарори иловаси- га мувофиқ «Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навлари рўйхати»га

7 апрель - Жаҳон саломатлик куни

Самарқанд шаҳридаги 10-оилавий поликлиникада 20 нафар врач, 38 нафар патронаж ҳамшира фаолият қуритиб келмоқда.

Поликлиника ҳудудида тўққизта маҳалла бўлиб, 30 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, - дейди поликлиника бош шифо- қори Гулнора Рустамова. - Шукрона маҳалласида оғир аҳволда- ги имконияти чекланган беморлар учун 34 та хонадон қуриб, фойдаланишга топширилган. Ушбу хонадонларда истиқомат қилувчи фуқароларга патронаж ҳамширалар алоҳида эъти- бор билан қарашади. Сабаби, улар доимий эътиборга, тиббий маслаҳатга муҳтож.

Тоҳир НОРҚУЛОВ.

Қайси давлат активлари хусусийлаштирилади?

Президентимизнинг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат ак- тивларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида давлат активларини очиқ аукцион орқали сотиш, ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш ва янги иш ўринлари яратиш, бюд- жет тушумларини ошириш белгиланган.

Фармон асосида вилоятимиздаги 68 та давлат активи, жумладан, 33 та дав- лат акция пакетлари (улушлари), 35 та давлат кўчмас мулк объектлари хусусий- лаштирилиши белгиланган.

Давлат активларидан 52 таси (76,5 фоиз) оммавий савдоларга чиқарилган бўлиб, 27 таси (39,7 фоиз) 68,2 миллиард сўмга сотилган.

Шунингдек, Ховренко номидаги Са- марқанд вино комбинати 71,2 фоиз дав- лат активлари Президентимизнинг 2021 йил 11 февралдаги «Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнини янада жадаллаштириш тўғрисида»ги Фармо- нига мувофиқ давлат акция пакетлари «UzAssets» АЖ инвестиция компанияси томонидан хусусийлаштирилади.

2020 йилдан бугунги кунга қадар 81 та бўш турган давлат активлари оммавий савдога чиқарилган. Шундан 64 таси халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг қарорларига асосан, қолган 17 та йирик активлар ҳукумат қарорлари- га асосан оммавий савдоларга қўйилди. Ушбу давлат активларидан 63 таси 74,6 миллиард сўм сотиб олиш нархида со- тилган. Шундан 3,8 миллиард сўм вилоят бюджетига йўналтирилди. Мазкур давлат активларини сотилиши натижасида 50,5 мил- лиард сўм ва 233,1 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритиш ҳамда 2349 та янги иш ўринлари яратиш шарти билан сотилиши таъминланди.

Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган тушумлар тақсимот тартибига мувофиқ ҳукумат қарорлари доирасида сотилган объектлар бўйича маҳаллий бюджетга пул маблағлари ажратилмайди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ви- лоят ҳокимлигининг қарорларига асосан сотилган объектларни сотишдан туша- диган тушумларнинг 73 фоизи маҳаллий бюджетга йўналтирилди.

Шунга кўра, шаҳар ва туман ҳокимли- клари ҳамда давлат мулки объектларини балансда сақловчи ташкилотлар билан

ҳамкорликда, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг кўмаги билан жорий йилда вилоят даражасида хусусийлаштирила- диган объектлар салмоғини ўтган йилга нисбатан икки баравар кўпайтириш режа- лаштирилган. Бунинг учун шаҳар ва туман- лар ҳудудидаги бўш турган давлат мулки объектлари доимий равишда хатловдан ўтказиб борилади ва хатловда аниқланган бўш турган объектлардан самарали фойда- ланиш ҳамда уларни белгиланган тартибда хусусийлаштириш чоралари қўрилади. Ҳозирда хатловда аниқланган 127 та бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳам- корлик олиб борилмоқда.

Фармон асосида трансформация қилинадиган ҳамда ислоҳ қилиш орқали фаолияти самардорлигини ошириш ва ривожлантириш режалаштирилган корхо- налар 59 тани ташкил қилади.

Жумладан, «Самарқандгеология» акция- дорлик жамияти Молия вазирлигида ташкил этиладиган махсус департамент томондан республикадаги 32 та йирик корхоналар қатори трансформация қилинади.

Шунингдек, 58 та бозор ва савдо ком- плексларини ишчи гуруҳлар ташкил этган ҳолда уларни молиявий соғломлаштириш таклифлари, шунингдек, ҳар бир бозор ва савдо комплексларининг молиявий ҳола- ти, савдо шартлари, хизмат кўрсатиш инфратузилмасини яхшилаш имкониятла- ридан келиб чиқиб, давлат улушларини алоҳида ёндашув асосида босқичма-босқич хусусийлаштириш белгиланган.

Шунга кўра, Президентимизнинг 2021 йил 11 февралдаги «Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнини янада жадаллаштириш тўғрисида»ги Фармони талабларига мувофиқ бозорлар ва савдо комплекслари давлат улушларини хусусий- лаштириш бўйича қарор лойиҳаси жорий йилнинг 1 июлига қадар Вазирлар Маҳка- масига киритилади.

Абдувоҳид ЯНГИБОВЕВ, Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Самарқанд вилоятида автотранспорт соҳасида қуйидаги шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ички йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун 2021 йил 11 май кuni соат 10:00 да

ОЧИҚ ТЕНДЕР ТАНЛОВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Шаҳар атрофи йўналишли такси йўналиши:
 ШЙТ "268" – "Зиевдин – Болтали – Мирбозор АББ (Мирбозор АББ томондан)";
 ШЙТ "269" – "Қўшрабат АББ – Зармитан";
 ШЙТ "270" – "Мирбозор АББ – Пўлатчи – Зиёвдин (Мирбозор АББ томондан)";
 ШЙТ "271" – "Султонобод – Зиёвдин";
 ШЙТ "275" – "Киргули – Зиёвдин";
 ШЙТ "284" – "Ҳазора АББ – Болтали қишлоғи";
 ШЙТ "285" – "Мирбозор АББ – Зиёвдин (Мирбозор АББ томондан)";
 ШЙТ "286" – "Жомбой – Эски Жомбой – Олмазор";
 ШЙТ "288" – "Жомбой – Эски Жомбой";
 ШЙТ "291" – "Жомбой – Найман қишлоғи – Қиёт қишлоғи";
 ШЙТ "292" – "Булунғур АББ – Ипак йўли қишлоғи";
 ШЙТ "295" – "Булунғур АББ – Чангал маҳалласи";
 ШЙТ "296" – "Лойиш – Улуғбек – Говбанд";
 ШЙТ "305" – "Жума АББ – Беклар";
 ШЙТ "308" – "Жума темир йўл вокзали – Ўзбекистон – Ҳазора АББ";
 ШЙТ "318" – "Булунғур АББ – Килдон";
 ШЙТ "320" – "Оққўрғон – Пайариқ АББ";
 ШЙТ "324" – "Агромир коллежи – Сартепа маскани";
 ШЙТ "327" – "Ойжон – Кадан – Пайшанба АББ";
 ШЙТ "331" – "Ҳазора АББ – Эсабой қишлоғи";
 ШЙТ "334" – "Жомбой – Сарой маҳалласи";
 ШЙТ "335" – "Шайман бозор – Ҳолвойи";
 ШЙТ "341" – "Жума АББ – Ҳиндбой маҳалласи";
 ШЙТ "344" – "Ҳазора АББ – Пахта қабул қилиш пункти";
 ШЙТ "350" – "Жума АББ – М.Дангалов – Равот";
 ШЙТ "356" – "Жума АББ – Ўзбекистон – Дўрмонтепа МФЙ";
 ШЙТ "357" – "Жума АББ – Қораянтоқ қишлоғи";
 ШЙТ "358" – "Жума АББ – Қаросув қишлоғи";
 ШЙТ "359" – "Жума АББ – Б.Кумаков – Темир йўли қишлоғи";
 ШЙТ "360" – "Жума АББ – Зармон қишлоғи";
 ШЙТ "363" – "Шомбулоқ қишлоғи – Ҳазора АББ";
 ШЙТ "367" – "Пайариқ АББ – Балиқчилик";
 ШЙТ "368" – "Пайариқ АББ – Янгиобод – Вали қишлоғи";
 ШЙТ "369" – "Пайариқ АББ – Халқобод";
 ШЙТ "370" – "Пайариқ АББ – Қўшрабат АББ (Қўшрабат АББ томондан)";
 ШЙТ "371" – "Жума АББ – Марказий шифохона";
 ШЙТ "383" – "Шайман – Ғазира – Ғўбдин";
 ШЙТ "387" – "Нуробод – Жума АББ (икки томондан)";
 ШЙТ "388" – "Лойиш шаҳарчаси – Янгикўрғон қишлоғи";
 ШЙТ "391" – "Иштихон – Халқобод – Гузон";
 ШЙТ "392" – "Иштихон – Керайит";
 ШЙТ "393" – "Иштихон – Пайшанба АББ";
 ШЙТ "395" – "Иштихон – Каттақўрғон";
 ШЙТ "396" – "Булунғур АББ – Қирқшоди маҳалласи";
 ШЙТ "397" – "Булунғур АББ – Ниёзмат";
 ШЙТ "402" – "Булунғур АББ – Тиғирик қишлоғи";
 ШЙТ "403" – "Қорағуппа – Ҳазора АББ";

ШЙТ "406" – "Жума АББ – Мевали – Илм қишлоғи";
 ШЙТ "411" – "Самарқанд АББ – Челак – Пайариқ АББ";
 ШЙТ "412" – "Лойиш шаҳарчаси – собиқ Бобур ш/х.";
 ШЙТ "434" – "Гуллобод қўрғони – Сиёб АББ";
 ШЙТ "441" – "Акмал" меҳмонхонаси – 50-мактаб";
 ШЙТ "442" – "Ипак йўли бозори – ЙҲХБ 2-ТРИБ";
 ШЙТ "444" – "Гуллобод – Оқмачит – Равонак";
 ШЙТ "450" – "Самарқанд тумани маркази – Ипак йўли бозори";
 ШЙТ "451" – "Оқтепа қишлоғи – Султонобод қўрғони";
 ШЙТ "456" – "Сартепа маскани – Оқмачит маҳалласи";
 ШЙТ "460" – "Шўрбойи – Равонак – Сиёб АББ";
 ШЙТ "461" – "Сиёб АББ – Навоий ф/х.";
 ШЙТ "462" – "Янгиарик қишлоғи – "Севинч" ресторани";
 ШЙТ "463" – "Сиёвшу" ресторани – Кимёгарлар шаҳарчаси";
 ШЙТ "467" – "Чоршанба маҳалласи – Номозгоҳ маҳалласи";
 ШЙТ "469" – "Камолот маҳалласи (Кашшоф) – Ҳазора АББ";
 ШЙТ "470" – "Ҳазора АББ – Чархин қўрғони";
 ШЙТ "471" – "Жартепа қишлоғи – Чубот қишлоғи";
 ШЙТ "472" – "Жартепа – Ватак қишлоғи";
 ШЙТ "473" – "Жартепа – Раҳматобод маҳалласи";
 ШЙТ "474" – "Жартепа – Ғиждувон маҳалласи";
 ШЙТ "303" – "Гулзор МФЙ – (Қоракамар қишлоғи) – Булунғур АББ";
 ШЙТ "476" – "Ўрташиқ қишлоғи – Сиёб АББ";
 ШЙТ "480" – "Ипак йўли" бозори – СамДМҚО";
 ШЙТ "481" – "Оқсой – Масжида қўнғироқдор маҳалласи";
 ШЙТ "264" – "Мирзаполвон – Сиёб АББ";
 ШЙТ "267" – "Ургут Юқори масжид – Ургут АББ – Қизилбош";
 ШЙТ "300" – "Сиёб АББ – Боғизоғон қишлоғи";
 ШЙТ "346" – "Қундузак қишлоғи – Сиёб АББ";
 ШЙТ "347" – "Ургут АББ – Ҳужайдуқ қишлоғи";
 ШЙТ "376" – "Бутбой – Сиёб АББ";
 ШЙТ "377" – "Ургут – Устахона – Сиёб АББ";
 ШЙТ "401" – "Ургут АББ – Мўминобод қишлоғи";
 ШЙТ "413" – "Ургут АББ – Қўзибек маҳалласи";
 ШЙТ "415" – "Ургут – Испанза қишлоғи";
 ШЙТ "416" – "Улуғбек расадхонаси – Ургут АББ";
 ШЙТ "417" – "Улуғбек расадхонаси – Олмазор қишлоғи";
 ШЙТ "429" – "Ургут АББ – Теганабегим";
 ШЙТ "447" – "Ургут АББ – Халқобод – Сиёб АББ";
 ШЙТ "493" – "Ургут АЙХ – Шредер – Самарқанд туман шифохонаси";
 ШЙТ "494" – "Тўғал қишлоғи – Сиёб АББ";
 ШЙТ "478" – "Ургут тиббиёт коллежи – Пахмоб маҳалласи";
 ШЙТ "479" – "Ургут юқори бозор – "Яхдон" дам олиш маскани";
 ШЙТ "488" – "Дўстлик маҳалласи – Жума АББ";
 ШЙТ "217" – "Бурчак қишлоғи – Пичоқчи – Жума АББ".

Шаҳарлараро-вилоят ички йўналишли такси йўналишлари:

ВХЙТ "524" – "Нуробод – Ҳазора АББ";
 ВХЙТ "528" – "Каттақўрғон АББ – Ҳазора АББ";
 ВХЙТ "529" – "Мирбозор АББ – Ҳазора АББ";
 ВХЙТ "532" – "Қўшрабат АББ – Самарқанд АББ";
 ВХЙТ "541а" – "Самарқанд АББ – Жўш қишлоғи".
 Очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, солиқ органлари ҳисобида турадиган, автомобиль транспортда тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро йўловчи ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилётган ҳар бир таранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлган барча юридик шахслар қатнашиши мумкин. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.
 Тугатиш, банкротлик босқичида турган ёки мулкига таъқиқ қўйилган талабгорларнинг тендерда қатнашишга йўл қўйилмайди.
 Иштирокчи тендер таклифлари шаклини тўлдиришда, ўз таклифларидаги баҳо мезонларига алоқаси бўлмаган маълумотларни қўшмасдан, фақат сўраётган баҳо мезонлари бўйича тўла ва мукамал ахборот тақдим этишга мажбур.
 Даъвогар тақдим этётган тендер таклифлари имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак. Йўналишларда йўловчилар транспорти хизмати кўрсатиш юзасидан тендер қолиби билан шартнома камида 1 йил муддатга тузилади. Шартнома бўйича ишларнинг барча шартларига ташувчи томонидан риоя қилинган ҳолларда шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин.
 Тендер ташкилотчиси – Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ички йўналишларида йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси.
 Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар комиссияга тендер ҳужжатлари пакетларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 23402000300100001010 ҳисоб рақами, шахсий ғазна ҳисоб рақамига 4014108604262773422967279 (Банк коди: 00014, СТИР: 201122919) 1 та пакет учун 50 000 (эллик минг) сўм, 2 та пакет учун 75 000 (етмиш беш минг) сўм ва ундан ортиқ пакет олишни истаса, ҳар бир пакет учун 25 000 (йигирма беш минг) сўмдан ўтказиб, 2021 йил 6 май кuni соат 17:00 гача бюртма беришлари ҳамда тендер ҳужжатлари пакетларини олишлари лозим. (Ишончнома ва тўлов топшириқномаси тақдим этилиши шарт).
 Қатнашчи тендерда қатнашишдан бош тортганда, у томонидан тўланган тендер ҳужжатлари пакети учун тўланган тўлов қайтариб берилмайди.
Тендер таклифлари 2021 йил 10 май кuni соат 17:00 гача қабул қилинади.
Комиссиянинг ишчи гуруҳи манзили: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 69-ўй. Самарқанд вилояти транспорт бошқармаси биноси. Мурожаат учун телефонлар: 66-233-71-12, 66-233-31-38, 71-202-05-00 (231 – қисқа рақами).

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд шаҳар 2-сон техник-иктисодий лицейидан 2002 йилда Ахророва (ҳозирда Зухуроова) Фируза Талъатовна номига берилган О'Р-З № 1302728 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
 Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицейдан 2017 йилда Келдиёрова Умида Мустафа кизи номига берилган рўйхат рақами 330, L № 304772 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
 Булунғур туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабидан 2011 йилда Исакулов Давронбек Гулмурод ўғли номига берилган U № 4883054 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
 Булунғур туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Саидова (ҳозирда Юсупова) Мунира Кучкарбаевна номига берилган U № 05644816 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
 Булунғур туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Ниёзқулова Фариди Нуриддиновна номига берилган U № 1913983 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
 Булунғур туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Ғалпорова Гулшан Эсонбой кизи номига берилган UM № 0495605 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
 Булунғур туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабидан 1994 йилда Ибрагимова (ҳозирда Умирзақова) Раҳима Саиткуловна номига берилган А № 625883 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Хуррамов Бегзод Боходурович номига берилган U № 3665376 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
 Самарқанд туманидаги 3-ўрта мактабдан 1995 йилда Ахаткулов Сухробон Нажмидинович номига берилган АО № 111520 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
 Ургут туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Зубайдуллаев Жавахир Нуъмон ўғли номига берилган UM № 0542266 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
 Самарқанд туманидаги 11-ўрта мактабдан 1999 йилда Батиров Акмал Исмолович номига берилган O'Р-З № 161402 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
 Самарқанд шаҳридаги 43-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Абдусаломов Азизжон Мамадаминович номига берилган U № 2491859 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
 Самарқанд автомобилсозлик касб-хунара коллежидан 2018 йилда Камолов Сурхонбек Олмос ўғли номига берилган К № 4678203 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
 Жомбой қишлоқ хўжалик касб-хунара коллежидан 2018 йилда Уроқова Диёра Қурбон кизи номига берилган К № 5107703 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«URGUT-SAXOVATI»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТАЪСИСЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ургут тумани «URGUT-SAXOVATI» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2020 йилги умумий ҳисобот йиғилиши 2021 йил 1 май кuni соат 11:00 да жамият маъмурий биносида ўтказилади. Кун тартибида:

- жамият раҳбарининг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ҳисоботи;
 - жамият бош ҳисобчисининг 2020 йил бухгалтерия молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи;

ЖАМИЯТ МАЪМУРИЯТИ.

Йиғилиш ўтказилади
 Булунғур туманидаги "Килдон" МЧЖ таъсисчиларининг 2020 йил якуни бўйича ҳисобот йиғилиши 2021 йил 15 апрель кuni соат 10:00 да жамият маъмурий биносида ўтказилади.
КУН ТАРТИБИДА:
 1. 2020 йил якуни бўйича ҳисобот;
 2. 2020 йил молия-иктисод кўрсаткичлари ҳисоботи;
 3. Ишламай турган мулк объектларини ишга тушириш;
 4. Фойдани тақсимлаш.
 5. Бошқа масалалар.
Манзил: Булунғур тумани Килдон қўрғони. ЖАМИЯТ МАЪМУРИЯТИ.

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!
 Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузурдаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси томонидан туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига олинган: МЧ "Конирил агротехсервис" агрофирмаси ҳудудидан жами 2 га. (шундан: 1,2 га. сувли, 0,8 га. бошқа ерлар), МЧ "Меҳробод агротехсервис" агрофирмаси ҳудудидида 536к, 537 ва 561 контурлардан жами 14 га. (шундан: 10 га. сувли, 3,5 га. тоқзор, 0,4 га. ариқ ва зовурлар, 0,1 га. йўллар), МЧ "Гулистон агротехсервис" агрофирмаси ҳудудидаги жами 14,1 га. (шундан: 6,1 га. сувли, 5,8 га. узумзор, 0,6 га. ариқ ва зовурлар, 0,8 га. йўллар), 0,4 га. ижтимоий бино ва ховли ерлари ва 0,4 га. бошқа ерлар) ер майдонларида фермер хўжалиги юритиш учун танлов ўтказилмоқда. Талабгорлардан аризалар 2020 йил 21 апрелга қадар қабул қилинади.
Манзилимиз: Самарқанд тумани Гулобод шаҳарчаси, Самарқанд тумани ҳокимлиги биноси.

ХОВЛИ СОТИЛАДИ
 Жомбой тумани Аҳмаджон Қурбонов маҳалласи, Зарафшон кўчаси, 27-“А” ўй сотилади.
 Умумий майдони 7,4 сотих, 3 та яшаш хонаси бор. Нархи - 30 000 \$.
Телефонлар: 99-056-33-54, 93-035-77-44.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими жамоаси "Маданият ва маърифат" телеканали директори Воҳид Луқмоновга отаси **Ҳабибулло ЛУҚМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ў АЛИФБОГА

ҳарфини қўшиш керак

Баъзи юртдошларимиз 1993 йил "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги ва икки йилдан сўнг мазкур алифбони янада такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қонунларни "пухта ўйланмаган", деб баҳоламоқда. Бу фикр тўғри эмас. 1993 йил қабул қилинган "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонун ҳам, тасдиқланган алифбо ҳам пухта ўйлаб ишлаб чиқилганлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Буни кенг тушунтириб ўтиришга ҳолат йўқ.

Аммо ўттиз йилдан буён "Давлат тили ҳақида" ҳамда янги алифбони жорий этиш тўғрисидаги қонунларни амалга тўлиқ татбиқ эта олмаётганлигимизнинг асосий сабаби, янги алифбозимнинг номуккамаллигидан. Мазкур қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш учун аввало, давлат тилини ўрганиш, ўргатиш, ўқитиш, ҳужжатларни том маънодаги саводхонлик билан юритиш учун мукамал, ягона ўзбек алифбосини яратиш ва амалга жорий этиш лозим эди. Мамлакат доирасида ҳамма битта алифбода ва у асосида ишлаб чиқилган имло қоидаларига таяниб иш юритишга ўтиш керак эди. Бизда, аввал бошданок, янги алифбони ўрганиш ва амалга татбиқ этиш борасида қатъий этилоқ талаб этилмагани сабабли янги алифбода савод чиқарган ёшлар бугунги кунда янги ўзбек алифбосида, кекса авлод вакиллари кирилл ёзуви асосидаги алифбода, ўрта авлод эса хар иккала-сида иш олиб борапти. Таассуфки, қарийб ўттиз йилдан бери алифбони жорий этиш бўйича қатъий бир қарорга келинмади.

Аслида амалга татбиқ этилаётган янги алифбо биз учун мутлақо янги бир алифбо эмас эди. Чунки бу алифбодан халқимиз 1929 йилдан 1940 йилнинг сентябрь ойигача, ўн йилдан ортиқ муддат фойдаланган. Ўша алифбонинг таркиби қуйидагича эди: Аа(о), Вв, Сс(че), Џ(дж), Дд, Ее(э), Ў(а), Фф, Гг, Қ(қ), Нн, Ў(ў), Рр, Қ(қ), Рр, Сс, Џ(ш), Тт, Уу, Vv, Xx, Z z, Z z(ж).

Мазкур алифбода 30 та ҳарф бўлиб, уларнинг 6 таси унли: Аа(о), Ее(э), Ў(а), Ў(и), Оо(ў), Уу(у) ва қолган 24 таси ундош товушларни ифодалаш учун хизмат қилган. Бу алифбодаги 10 та ҳарф ҳозир қўлланилаётган ҳарфларимиздан шакл

жиҳатидан бироз фарқ қилади: Аа(о), Сс(че), Џ(ж-jo'ja), Ў(а), Қ(қ), Ў(и), Ў(и), Оо(ў), Џ(ш), Z z(дж-jurnal).

Лойиҳада эълон қилинган "О'о" ҳарфининг – "Ўў", "Г'г" ҳарфининг – "Ўў", "Shsh" ҳарфининг – "Џ" ва "Chch" ҳарфининг – "Џ" тарзидаги янги шаклини қўллаб-қувватлаш лозим. Уларнинг янги ҳарфинишга эътироз йўқ. Аммо тутук белгиси ва "Ng, ng" ҳарфлар бирикмасининг алифбо сирасида сақланиб қолишига жиддий эътирозимиз бор.

Маълумки, тутук белгиси товуш ифодаламаганлиги учун 1995 йил 6 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Қонунга асосан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси таркибидан чиқарилиб, имло қоидалари доирасида ўрганиладиган бўлди. Шунинг учун уни алифбо таркибидаги ҳарфлар сирасига қўшиш шарт эмас. Агар "Ng, ng" ҳарфлар бирикмаси ўрнига алоҳида битта шакли ҳарф олинмайдиган бўлса, бу ҳарфлар бирикмасини ҳам алифбо сирасидан чиқариш керак. Чунки янги алифбозимга мустақил ундош товуш ифодаловчи Nn ва Gg ҳарфлари билан бир қаторда, ўзбек тилининг ўзига хос бурун товушини ифодаловчи Ng, ng ҳарфлар бирикмасининг ҳам "адашиб" кириб қолганлиги тилимизни ўрганивчиларни ҳам, мактаб ўқувчиларини ҳам қалғитиб келяпти.

Ёзувда сўзлар таркибидаги ng ҳарфлар бирикмасининг ҳар иккаласи мустақил ҳолда, алоҳида [n] ва [g] ундош товушларини ифодаловчи n ва g ҳарфларидан фарқлашнинг ҳеч ҳам имкони йўқ. Чунки улар шакл жиҳатидан бир хил. Масалан, қуйидаги сўзларда маъно фарқлаш учун хизмат қиладиган ng ҳарфлар бирикмаси билан ёзиладиган бурун товушли сўзларни алоҳида n ва g товушини ифодаловчи ҳарфлар билан ёзиладиган сўзлардан талаффуз этиш орқали уларни бир-биридан фарқлашнинг ҳеч ҳам имложи йўқ. Марҳамат, уларни ёзувда фарқлаб кўринг: тапа (майда, чақа пул) – tanga (танага, гавдага), ko'ngil (юрқак,

қалб) – ko'ngil (рози бўл), tongin (тонг пайтини) – tongin (инкор эт), singil (қиз қариндош) – singil (синиш), to'ngimoq (совқотмоқ, музламоқ) – tungi (тун пайтидаги), o'ngimoq (ранг йўмоқ, эскирмоқ) – o'nga (ўн сонига) – o'ngga (ўнг тарафга), engil (уст-бош) – engil (паства туш) ва ҳоказо.

Хўш, бу сўзларнинг қайси бири ng бурун товушини ифодаловчи ҳарфлар бирикмаси билан, қайсилари n ва g мустақил ҳарфлари билан ёзилган? Ваҳоланки, тилимизда бундай сўзлар жуда кўп. Улар ёзувда ng бурун товушини ифодаловчи ҳарфлар бирикмаси ҳамда n ва g мустақил ҳарфлари билан бир хил шаклларда берилдики, бундай сўзларнинг қайси бирида ng ҳарфлар бирикмаси, қайси бирида эса хар бири мустақил ундош товушини ифодаловчи алоҳида ҳарф эканлигини фарқлаб бўл-

▶ Агар таклиф этилаётган алифбо сирасидан "Ng, ng" ҳарфлар бирикмаси ва тутук белгиси чиқарилса, 28 та, агар шу ҳарфлар бирикмаси ўрнига битта шакли Nn белгиси олинса, 29 та ҳарф қолади. Алифбо таркибига тилимизга байналмилал сўзлар таркибида ўзлашган [ц] ундош товушини ифодаловчи "Cс" белгиси ҳам киритилса, маъқул бўлар эди.

▶ "Cс" ҳарфини алифбозимга киритиш билан биринчидан, тилимизга тараққий этган дунё тилларидан ўзлашган шундай товушли юзлаб сўзларни ёзишда ва талаффуз қилишда бир хилликка эришардик. Иккинчидан, алифбозим таркиби ҳам дунё тилларида қўлланилаётган, компьютер ва бошқа ёзув техникаларида мавжуд стандарт 30 та ҳарф билан мукамаллик кашф этиб, қуйидагича кўриниш оларди: Аа, Вв, Сс, Дд, Ее, Фф, Гг, Нн, Ў, Ў, Рр, Ққ, Рр, Сс, Тт, Уу, Vv, Xx, Yy, Zz, Ўў, Ўў, Џ, Џ, Џ, Џ (имло қоидалари асосида ўрганиладиган) тутук белгиси алифбо сирасида берилмайди.

майди. Улар ёзувда шакл жиҳатидан фарқланмаса, талаффузда қандай фарқлаш мумкин? Аммо бу товушлар нутқимизда яққол фарқланади, сўзга бошқа маъно, жаранг ва жило беради, сўзловчи ва тингловчи талаффуздаги ана шу фарқликка қараб уларни ўз ўрнида қўллаётганда. Афсуски, буни фарқлай олмайдиган ўқувчилар, талабаларгина эмас, айрим телерадиобошловчилари, суҳандон ва журналистлар ҳам [ng] бурун товушини алоҳида [n] ва [g] ундош товушлари каби қўпол ургу билан akan-giz, maqsadin-giz, istagin-giz ва ҳоказо тарзда нотўғри

талаффуз этиб келишмоқда. Бу сўзлар aka-ngiz, maqsadi-ngiz, istagi-ngiz, bola-chaqa-ngiz, ko'ngil-ngiz тарзида мулоим, оҳангдор талаффуз этилиши лозим. Агар янги алифбозимда [ng] бурун товушини ифодаловчи алоҳида Nn ҳарфи олинса, бу муаммо ўз-ўзидан бартараф бўларди.

Янги алифбозимда иккита ҳарфнинг ортиқча ёки камлиги тилимизни ўрганивчи бошқа миллат вакиллари ҳам, мактаб ўқувчилари ҳам унчалик катта қийинчилик туғдирмайди. Аксинча, бундай товушли байналмилал сўзларни беҳато ёзишга ва талаффуз этишга асос бўлади. Ахир 20 мингга яқин иероглифлар билан японлар, 40 мингга яқин иероглифлар билан хитойликлар дунёнинг илғор илм-фанини эгаллабгина қолмасдан, замонавий электротехника, турли бетақор санот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа қўллаб соҳаларда илгарилаб кетишига неча минг йиллик тарихга эга мураккаб ёзувлари заррача халақит бераётгани йўқ.

Биз ҳам олдимизда турган энг муҳим – янги алифбозимни такомиллаштириш муаммоси моҳиятини тўғри тушуниб, ортиқча эҳтиросли баҳсларга берилмасдан, ёзувимиз ва имлоимизни – алифбозим ва имло қоидаларимизни мукамаллаштириб, улардаги камчиликларини бартараф эта олсак, биринчи галда, тилимиз тараққиётига катта йўл очамиз. Қолаверса, ёшларимизнинг, бутун халқимиз-

нинг саводхон бўлишига, тилимизни ўрганаётган бошқа миллат ва элат вакиллари катта энгиллик яратишга эришамиз. Алифбозимни мукамал ҳолга келтирмас эканмиз, унинг янги имло қоидаларини такомиллаштириш, "Давлат тили ҳақида"ги ҳамда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунларнинг ижросини тўлиқ таъминлашга эришиш бўйича баҳс юритишнинг ўзи ортиқча.

Мардон БОЛТАЕВ, СамДУ доценти.

Қадим шаҳар ёдгорликлари

умри мазмунига айланган музейшунос

Аждодларимиз мероси - тарихий осори-атиқаларни асраб-авайлаб келажак авлодга етказиш осон иш эмас. Асрлар оша этиб келган бебаҳо обидаларни қадрига етувчи фидойилар орасида Афросиёб тарихий музейи директори Файзулло Дониёров ҳам бор.

Ф.Дониёров 1961 йилнинг 6 апрелида зиёлилар оиласида, еттинчи фарзанд бўлиб дунёга келди. Самарқанд туманидаги 24-ўрта мактабни битиргач, 1978 йилда Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирди. 1983 йилда СамДУ дипломини олган Ф.Дониёров иш фаолиятини касб-хунар билим юртлари ўқувчиларига тарих ва жамиятшунослик фанларидан сабоқ берди. 1990 йилда университетга қайтиб, Ўзбекистон тарихи кафедрасида аспирант бўлиб ишга кирди. Кафедра мудири, профессор М.Абрамов ва тарих фанлари доктори Р.Муқимов ва раҳбарлигида илмий-тадқиқот ишларини олиб борди.

Сўнгра Самарқанд давлат музей-қўриқхонасига қарашли Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида бўлим мудири вазифасида иш бошлади ва бир умр шу масканга меҳр қўйиб меҳнат қилмоқда.

Унинг илк йирик иши - Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси томонидан Франциянинг бир қатор шаҳарларида "Самарқанд замини сирлари" номи археолог кўргазма ташкил этилиши бўлди. Кейинчалик қўллаб ҳориж давлатларида ташкил этилган янги тарихий экспозиция ва кўргазмалар-

да фаол иштирок этди. Бундан ташқари, Ф.Дониёров музейнинг илмий-тадқиқот, экспозиция ва маънавий-маърифий ишларида ҳам ташкилотчилигини кўрсата олди. 1994 йилда музей-қўриқхона бош директорининг ўринбосари этиб тайинланди.

Кейинчалик Шоҳи-Зинда мажмуаси раҳбари сифатида бу ерда амалга оширилган таъмирлаш, илмий-тадқиқот ишларида бошчилиқ қилди. 2003 йилда яна музей-қўриқхона бош директори ўринбосари вазифасига тайинланди. Унинг зиммасига тизимдаги музейлар ва тарихий обидаларда янги экспозиция ва кўргазмалар ташкил этиш, таъмирлаш-тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш юклатилган эди. Шунингдек, 2010 йилда Мирзо Улуғбек ёдгорлик музейида таъмирлаш ишларида ҳам ташкилотчилигини кўрсатди.

Файзулло Дониёров 2010-2019 йилларда Регистон мажмуасида илмий ходим бўлиб ишлаган даврида Шердор, Мирзо Улуғбек мадрасаларининг ички гўмбазларини нақшдан бекарлари таъмирланди. Унинг ташаббуси билан Регистон майдонида германиялик мутахассислар томонидан сай-



ёҳларга юртимиз тарихи ҳақида ноанъанавий тарзда ҳикоя қилувчи 3D рангли-овозли дастури ишлаб чиқилди.

Ф.Дониёров икки йилдан буён Афросиёб тарихий музейида раҳбарлик қилиб келмоқда. Айни пайтда музейнинг замонавий янги экспозициясини яратиш устида иш олиб бормоқда.

Файзулло ака нафақат жамоасида, балки ўзи истиқомат қилаётган маҳаллада ҳам ҳўрмат-иззатга сазовор. Гулнора ая билан уч фарзандни вояга етказиб, олий маълумотли қилди.

Музейшунос, соҳа фидойиси Файзулло Дониёров бугун таваллуднинг 60 йиллигини нишонламоқда. Унга барча дўстлар ва ҳамкасблар номидан узоқ умр, бахт-саодат, ижодий ишларга улкан ютуқлар тилаймиз.

Раҳим ҚАЮМОВ, Регистон мажмуаси илмий ходими.

Ўғли хорижда уч йил ишлаб, яхшигина пул топиб, эсон-омон келганидан сўнг, Ҳалим ота хурсанд бўлиб кетди ва боқиб юрган қўиларидан бирини сўйиб, қўни-қўшилари эскичасига айтганда «хотмалаш» қилмоқчи бўлди. Пандемия шароитида эҳсон қилиб, элли бир жойга ййғишни ножио эзилди. Боқилган семизгина қўй сўйилди, дарҳол маҳалла аҳлига улашилди. Бироқ анчагина гўшт ортиб қолди. Чол табиатан ўта тартибли, ҳаққўй, саховатпеша бўлганидан ортган гўштни бўлак-бўлак қилиб хонтахта устига ёйдида, кампирини чақирди.

САВОБ ҳам пулликми?

- Онаси, ҳозир мана бу икки килоча ортган гўштни анови камбағал ён қўшнимизга бер, бола-чақаси кўп, савоб бўлади.

- Ҳовв, уларга гўшт бердим-ку?!

- Яна бер! Ўша берган гўштинг нима бўлади ўн уч жонга!

- Ўн уч жон бўлишса ҳам катта ўғли баравж-ку ҳозир, отаси.

- Гапни кўпайтирма!

Онахон рози бўлди, гўштни бериб келгач, нимагадир шодланиб, чоли ёнига келди.

- Манг, манави пулни олиб қўйинг, отаси, айтгандим-ку... Ўша катта ўғли кўярда-қўймай қўлига тутқазди. Юз минг сўмни! Айтгандим-ку, улар камбағал бўлишса ҳам жуда ориятли деб.

- Боплабсан! Ҳа-а, аёл-а, аёл! Сочи узуну ақил калта, деб бекорга айтшмайди-ақ! Бор, элтиб бер пулни тез. Хайр-эҳсон ҳаром нафси тийиш, инсофга келтириш учун қилинади-ку! Элтиб бер пулни, қўлимни ҳам урмайман унга! Хайр-эҳсон қилинса-ю эвзига нимадир умидвор бўлинса, бу қандай шармандалик ахир! Уят-ку! Хайр-эҳсонга ҳам



таъма, ҳаром аралашса, савоби қоладими унинг? Увв, инсон, қилинган яхшилик, савоб пулга сотилганини ким кўрибди ҳали? Қилинган савоб, қўмақ ҳадеб айтилавермайди, кўз-кўз қилинмайди. Гўшт қиммат ҳозир, «бир семиз қўй сўйиб, маҳалла аҳлига бепул тарқатдим», деб ҳаммага доврққ солиб телевизорга чиқайинми энди?! Савобим шу?! Муҳтофга бир елим халтача ёғ-нон бериб, жумлаи жаҳонга кўз-кўз қилиб, мақтанши, гердайишдек гапку бу! Савоб, муруватми шу?! Нафс, таъма, шухрат бор унинг ичиде. Бор, элтиб бер пулни!

Кампир бош эгиб, пулни олиб чиқиб кетди.

Муродим УМРЗОҚОВ.

Zarafshon Самарқандский ВЕСТНИК

МУАССИС: «Zarafshon» va «Самарқандский вестник» gazetalarі tahririyaі mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 17 135 nusxada chop etildi. Buyurtma 244

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonamanzilil: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G. HASANOV.

Navbatchi: X. ERNAZAROVA.

Sahifalovchi: B. ABDULLAYEV.

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X

9 772 010 667 009